

Normal 0 false false false RU X-NONE X-NONE

Меҳрибон ва раҳмли Аллох номи ила

Икки ўгил ва икки киз

1

Одам ва Хаввонинг барча болалари кенг ерга тушганидан кейин, улар ўз болалари ва зурриётларининг ерда юриб, Аллохнинг ризкини териб ейишларини ва ушбу янги жойни такомиллаштиришга килган саъй-харакатларини кўришни хохладилар. Она (Хавво онамиз) коринларида Аллохнинг изни ила хомиладор бўлдилар, яъни кичкина болалар пайдо бўлди. Биринчи галда ўгил дунёга келди. У Кобил бўлиб, у билан бирга биринчи киз (фарзанд) Кобилнинг эгизак сингlisi эди. Иккинчи бўлиб Хобилни эгизак сингlisi билан бирга дунёга келтирдилар. Шундай килиб, Одам ва Хавво хурсанд бўлдилар. Аллох уларга фарзанд неъматини ато этди. Улар икковлари кичик болаларини яхши кўрар ва уларга меҳрибон эдилар.

Ишлаш учун харакат

Хавво онамиз эгизакларни дунёга келтиргандан кейин ака-укалар ота-оналарининг хизматида катта бўлдилар. Ўзаро меҳр-мухаббат ва ака-укачилик ришталарини боғладилар. Сўнгра катта бўлиб кўрдиларки, хаёт ишлашга, ҳаракат килишга ва интилишга ундар экан. Шундай экан, Кобил ва Хобил ер юзида ризк, яхшиликлар ва бахт-саодатни излаб ҳаракат килишлари лозим эди. Кобил ерда экин ва яхши егулик ўсиши мумкилигини кўрди. Хобил Аллох инсониятга улардан бошқа кўйлар, эчкилар каби махлуқотларни неъмат килиб берганини кўрди ва уларни боқишни хохлади.

Шундай килиб, у кўй боқувчига айланиб, акаси билан бирга (ўзларининг кўл остиларидаги иш) кўл меҳнатлари билан хаёт кечира бошладилар.

Одам икки ўгли билан

Оила тинчлик ва хотиржамликда яшади. Кобил ва Хобил катта бўлдилар, икковлари ҳам ўзларининг завжалари (жуфтлари) бўлишини холадилар. Аллох Одамга ўгиларига бунинг хабарини беришни, яъни Кобилга Хобилнинг синглисини жуфт килиб олиши ва Хобилга Кобилнинг синглисини жуфт килиб олиш таклифини эслатди. Шундай килиб, хамманинг холагани ҳақли бўлди, хилкатнинг бошланишида бундан бошқа ечим йўқ эди. Ундан кейин бу иш ҳаром килинди. Шундай килиб, Одам (алайхиссалом) ўгилларига бу хабарни етказди. лекин кизик, бу иш тугадими? Ёки ҳар бир ўгил отаси Одам (алайхиссалом) таклиф қилган кизга уйланадими? Ёки бу уйланиш ҳал бўлмадими бўлмадими?

Кобилнинг норозилиги

Жавоб шундай: уйланиш оталари хохлагандек бўлмади, бунинг сабаби шундаки, Хобил олиши керак бўлган Кобилнинг сингиси нариги киздан чиройлирок эди, Кобил ўзининг чиройли сингисидан бошқасига уйланишни хохламасди. Шундай килиб, Кобил бу қисматга рози бўлмади. Кобилнинг норозилиги, яъни Хобилнинг сингисига уйланмаслигининг ва бу ишни катъиян рад қилишига сабаб кизнинг чиройи эди. Ака-ука орасида кураш авж олди... Ота эса хайрат ва хавфда қолди. Нима қилиш керак? Бу кураш Аллох суймаган бир ёмонликкача етиб боришидан кўрқар эди, албатта, бу иш бахтиёр оилага фойдали бўлмасди.

Ечим

Кунлар ўтди, саййидимиз Одам бу жумбоқнинг ечимини билмасди. Аллох низолашган ака-ука орасида одил ечимни тақдим этди, яъни Кобил ва Хобил ҳар бири Аллох учун қурбонлик қилишлари ва Аллох қимнинг қурбонлигини қабул қилса, хохлаган кизларини олишлари мумкин эди. Шундай килиб, Кобил ўзининг зироатидан бугдойни тақдим этди. Хобил ўзи боқадиган чорва молларидан яхшисини тақдим этди...

Икковлари ҳам натижани кутардилар. Қизик, Аллох қимнинг қурбонлигини қабул қиларкин? Кобил тақдим этган ерининг маҳсулини қабул қиладими? Ёки Хобил тақдим этган энг яхши чорва молиними?

Натижа

Икки ўгил Аллохдан қабул қилишини сўраб дуо қила бошладилар, ҳар бири чиройли ечимда зафар қозонишни умид қиларди, ҳар бири ўзининг қурбонлиги Аллохнинг ҳузурида қабул бўлишини орзу қиларди. Хобил Қобилдан кўра муваффақиятли, яъни унинг иши мақсадга мувофиқ эди. Чунки отаси тақсим қилган нарсага ва аввалги масалада ака-ука орасида низо пайдо бўлгандан кейин Аллох вахий қилган нарсага рози бўлган эди. У тақволи эди.

Аллох солиҳ ва тақволи бўлган Хобилнинг қурбонлигини қабул қилиб, Қобилнинг қурбонлигини қабул қилмади, чунки у ўз ишида ихлос қилмади. Отасининг буйругига итоат қилмади, шунда у укасидан ажради. Аллох таоло унинг қурбонлигини рад этганининг сабаби мана шу эди.

Ёмон ният

Икковлари шу натижани билгандан ва Аллох Хобилнинг қурбонлигини қабул қилгандан кейин эса... Кобил нафрат ва ҳасадга тўла қалбида ёмон ниятни қасд қилиб қўйди. Унинг уқаси Хобилни олдига бориб, қичқирган ҳолда унга: *«Албатта, мен сени ўлдиражакман»*, деди. У орзулари ушалган бахтли уқасини ўлдиришни ва Аллох ундан кўра кўпроқ яхши кўрадиган уқа билан душман бўлишни хоҳларди. Кобил уқасини ўлдириш, адоват ва ёмонликни ният қилган ҳолда бир неча кун яшади. Лекин уқасини ўлдиришга ҳақлимиди? Кобилнинг ниятини билган уқанинг ҳолати қандай бўлиши мумкин эди?

Хобилнинг жавоби

Хобил ақаси Кобил хоҳлаган нарсани эшитди, бу иш қурбонлик ва насиҳатга муҳтожлигини билди. Ақасини газабланган ҳолда кўрди. У натижадан қайғуда эди. Хобил ақасининг олдига келди ва оҳиста шундай деди: *«Эй ақам! Агар мени ўлдирсанг, бахтли бўлиб қолмайсан, бу ишинг сенга ҳеч фойда бермайди. Сенинг бахтсизлигинг ва ҳасратинг сабаби мен эмасман. Балки сен, эй ақам, биласанки, Аллох солих такводорлардан бошқаларни (амалларини) қабул қилмайди, сен Аллохга ва бизга насиҳат қилиб тўғри йўл кўрсатган отамиз Одамга итоат қилишни рад қилдинг. Албатта, мен сендан қучлироқ бўлсам ҳам, сени ўлдиришга ҳаракат қилмайман, чунки мен шайтоннинг фитнасига ижобат қилмайман»*

Хобил ақасини бу ният қилган қабих жиноятдан узоқлаштириш учун унга насиҳат қилишда давом этди.

Хобилнинг такдири

Кобил килинган насихат унга фойда бериб, таъсир кўрсатмади. Аллох у билан укаси орасида ҳукм қилганди. У Роббисига осий бўлиб, укасига ёмонликни қасд қилди. Оталари уларга масаланинг тўлиқ ечимини кўрсатган эди, у, шунингдек, отасига ҳам осий бўлди. Укаси ундан кейин ҳам насихат қилганда бу фақат унинг нафрати ва макрини зиёда қилди.

Соатлар ўтиб, ўша вақт келди. Газаб энг юкори нуктада Кобилнинг бошига етди. Укасини ўлдириш учун келиб, унга ҳал қилувчи зарбани берди ва уни қаттиқ урди. Хобил ерга ўлик ҳолда ҳаракатсиз йиқилди. Хобил ўлди... Кобил уни ўз қўли билан ўлдирди. Қасд қилган ёмон ниятини амалга оширди. Ўткинчи чиройни деб қабих жинойтга қўл урди.

Пок ўлим

Одам (алайхиссалом) ўгли Кобил ишини қилиб бўлганини билди ва Хобилнинг пок жасади жонсиз ва ҳаракатсиз ҳолда ерда ётганини тушунди. Хобил ер юзидаги илк шаҳид бўлган ҳолда ўлиб бўлди. Бу борликдан гойиб бўлди, ака-укачилик бунга шифо бўла олмади.

Хобил ўз акасини ўлдиришдан бош тортгани, акасини ёмонликдан қайтариш учун унга насиҳат қилишни хоҳлагани, ўзини ўзи бошқалар хидоят топиши учун қурбон қилишни хоҳлагани эди. Қурбон бўлган кишини Аллоҳ ақл, жисм ва хикмат, ота-онанинг ризоси ва азиз бўлган яратувчининг мухаббати билан ризклантирган эди. Унинг барча ишлари ўзгаларни хидоят қилиш учун бўлган эди.

Илк ходиса

Жиноят ва ўлим ходисаси шундай яқунланди. Бечора ота эса ҳасадгўй ва осий акасига насиҳатдаги ҳаққини адо этган ўгли учун маҳзун бўлди. Аллоҳ илк ходисани башарият учун оламлар Роббисидан илк сабоқ бўлиши ва Аллоҳ такво борлардан бошқа ҳеч кимдан яхши амалларини қабул қилмаслигини, инсонлар жохилларга ажр ёки бирор нарса талаб қилмай эвазсиз насиҳат қилишда масъуллигини, ўзгаларни азиятларига сабр қилиб уларни хидоят қилиши кераклигини, тўғри йўлни билмайдиган барча кофирларни хидоят йўлида қурбон қилишини билишлари учун намоён қилишни хоҳларди. Қизик, лекин қотиллик ишидан кейин нима бўлди?

Аллох каргани жўнатди

Кобил укасининг жасадини кандай яшириб, ундан халос бўлишни билмасди, уни оркасидаги халтада кўтариб нима килишни билмай колди. Аллох бу пок ва кароматли жасадни химоя килишни хохлади. Бир каргани жўнатди у ўзидан бошка каргани кўтариб олган эди, уни ерга кўйди, сўнг тупрокдан бир жой кавлади ва жасадни у ерга кўмди, буларнинг барчаси Кобилнинг кўз олдида содир бўлди. Бу унинг надомат ва хасратини зиёда килди, карга ундан кўп нарсани биларди?! Бўгилган овоз, азобланган калб ва халоватсиз нафас ила шундай деди: *“Шўрим курсин! Мана шу каргачалик бўла олмадим-а”*.

Мана энди...

Киссанинг охирида эса, келинлар, эй кичик суюклиларим! Уни чиройлироқ услуб ва янги сўзлар билан бошидан ўқиймиз. Куръони Каримга мархамат килинлар, ўзининг абадий сўзлари ила киссани бизга хикоя килади:

Аллохнинг номи ила кувилган шайтондан панох тилайман.

«Уларга Одамнинг икки ўгли хабарини хак ила тиловат килиб бер. Икковлари курбонлик килганларида, бирларидан кабул килинди, бошкасидан кабул килилмади. У: «Албатта, мен сени ўлдиражакман», деди. Бириси: «Албатта, Аллох

такводорлардангина кабул киладир.

28. Агар сен мени ўлдириш учун кўл кўтарсанг, мен сени ўлдириш учун кўл кўтармасман. Мен, албатта, оламларнинг Робби Аллохдан кўркаман.

29. Мен, албатта, менинг ҳам гунохимни, ўзингнинг ҳам гунохингни олиб кетишингни, шу сабабдан дўзах ахлидан бўлишингни хошлайман. Ана ўша золимларнинг жазосидир», деди.

30. Нафси унга биродарини ўлдиришни яхши кўрсатди. Бас, уни ўлдирди. Шу сабабдан зиёнкорлардан бўлди.

31. Аллох ер юзида кезиб юрган каргани унга биродарининг ўлигини қандай кўмишини кўрсатиш учун юборди. У: «Шўрим курсин! Мана шу каргачалик бўлиб, биродарим ўлигини кўма олмадим-а?!» деди. Бас, у надомат килувчилардан бўлди».

(Ояти кариманинг сиёкидан кўриниб турибдики, котил биродарини ўлдириб кўйгандан кейин нима қиларини билмай қолган. Ўликни кўмиш кераклиги хаёлига келмаган. Чунки аввал ўлик бўлмаган. Бу ер юзидаги биринчи ўлик эди. Ривоятларда келишича, шу пайтда Аллох унга ўликни кўмишни ўргатиш учун икки каргани юборган. Улар котилнинг олдида урушиб, бири иккинчисини ўлдирган. Сўнгра котил карга ўлган каргани ерни қавлаб кўмган).

Ана энди, эй укаларим, сингилларим ва суюқлиларим, бу киссадан ибрат ва сабоқ олиш хақида нима деб ўйлайсизлар? Иймонимизни қандай саклаймиз? Аллох лаънатлаган иблисга қандай қаршилик кўрсатамиз? Сизларни бир овоздан айтганингизни эшитяпман. (сизлар киссани) Чиройли хис қилганингиз учун раҳмат, охириги дуоимиз оламлар Роббиси бўлган Аллохга ҳамд бўлсин! Вассалому алайкум ва раҳматуллохи ва барокатуху.

